

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ЛИБОСЛАР

ҳам миллий, ҳам замонавий андозалар
уйғунлигида тайёрланмоқда

Зангиота туманида фаолият кўрсатаётган "Colibri Textile" болалар кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотлари-га нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам талаб катта.

Бундан 6 йил муқаддам тадбиркор Юлдуз Расулзода асос солган корхонада ҳозирда 50 турдан зиёд болаларбоп, сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади.

Корхонамиз ишчиларининг аксариятини маҳаллий ёшлар ташкил этади, дейди моҳир тикувчи Дилноза Шокиржонова. — Иш шароитимиз яхши. Бепул тушлик берилади, қаноатланарли маошимиз бор. Энг муҳими, ишхонамиз уйимизга яқин. Насиб қилса, мен ҳам келажақда шундай корхона очмоқчиман.

Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар



□ Давра суҳбати

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ — ЮКСАЛИШ АСОСИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририятида "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари: тараққиётимизнинг маънавий асоси" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим бошлиғи Эргаш Даминов, марказ қошидаги "Маърифат тарғиботчилари" жамияти аъзоси Феруза Мухиддинова ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги "Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши ҳамда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритдилар. Афсуски, ёшлар орасида турли ёт ғоялар шаклланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимизда рўй бераётган янгиликлар суръатларидан ортда қолмоқда. Шунингдек, дунёда юз бераётган мураккаб мафкуравий ва геосиёсий жараёнларни англаш даражасининг етарли-ча шаклланимагани одам савдоси, экстремизм, "оммавий маданият" ва нарқобиз-нес каби таҳдидларга қарши курашишда миллий ғоя оминлидан фойдаланиш имкониятини бермаяпти.

Давоми 2-бетда ➡

"Тошкент ҳақиқати"га жавоб берадилар

□ Нуқтаи назар

Бугун тараққиётни бир қарашда фан ва технологиянинг ривожини, иқтисодий юксалиш ҳамда инсонларнинг фаровон ҳаёт кечирish даражасини ошириш, деб тушунаемиз. Ҳақиқатан ҳам, инсон омили сабабли тараққиёт шу даражага кўтарилдики, гўё илм-фаннинг ер юзидида "қиладиган иш" қолмади ва одамзот эндиликда коинот сирларини ўрганиш, Марс ва Ойни забт этиш билан машғул бўлмоқда.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ҳеч бир давлатнинг тузуми, иқтисодий ривожланиш йўли ёки услубини муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Бироқ, дунё ҳамжамияти бонг ураётган бир қатор масалаларга эътибор қаратилса, "Нега?", "Нима учун?" деган саволларга тўғнаш келамиз.

Хусусан, илм-фан ва технология тараққий қилиб, кўпгина давлатлар бой, иқтисодий бақувват бўлди. Фуқароларининг бойлиги шу қадар кўпайдики, уларнинг маблағларидан муҳтожлар, бева-бечоралар эмас, балки уй ҳайвонлари баҳраманд бўла бошладилар.

Ёки илм-фан ва технология тараққий этиб, инсоният коинотни забт этди-ю, бироқ бу тараққиёт иқлим ўзгаришига сабаб бўлди. Тиббиёт мисли кўрилмаган даражада ривож топди. Бироқ, туғма ногиронлик ва аклий заифлик каби касалликларнинг олди олинмади. Ачинарлиси, илм-фан ва технология тараққий қилиб, инсонларнинг ўзига қарши ерда, сувада ва ҳавода бир-бирларининг қонларини тўкишга хизмат қиладиган қуроллар, техникалар, атом бомбалар яратилди.

Хўш, нега шундай бўлди? Тараққий этган давлатлар нималарни эътибордан четда қолдирди? Нега айнан тараққиёт инсон хулқ-атворида, жамият муносабатларига салбий таъсир кўрсатди?

Давоми 3-бетда ➡

ВИЛОЯТНИНГ ЭНГ ИБРАТЛИ ОИЛАСИ



Олмалиқ шаҳрида "Ибратли оила" кўриктанловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси томонидан оила институтини мустаҳкамлаш, "Соғлом оила — соғлом жамият" ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришга қаратилган танловнинг вилоят босқичида 22 оила иштирок этди.

4

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР СЕНИ 9 ТАГА ЕТДИ

Олмалиқ шаҳар Давлат хизматлари марказида хорижий сармоядорлар иштирокидаги "Korea cosmetics co ltd" масъулияти чекланган жамияти давлат рўйхатидан ўтказилди. Натижада, Олмалиқда қўшма корхоналар сени 9 тага етди.

Корхона таъсисчилари, Қозғистон ва Жанубий Корея Республикаси фуқаролари юртимизда Давлат хизматлари агентлиги то-

монидан кўрсатилаётган қулай, тез ва шаффоф хизмат турларидан мамнун эканлигини билдиришди.

Шаҳарнинг "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги кичик саноат зонасида ташкил этилган мазкур қўшма корхона косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Корхона тўла қувват билан ишга тушса, ҳудудда яшовчи 100 нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

@haqiqatonline

Бугуннинг
гапи

ҚАЙНОТА БИЛАН КЕЛИН...

ёки яна тўйдаги «ТОМОША»лар ҳақида

рақсга тушди

...Кеча тўйда эдик. У ерда бўлаётган "томоша"ларни кўриб, очиги уялиб кетдик...



Англаганингиздек, гап яна бугунги тўйлар ҳақида. Оммавий ахборот воситаларида, маҳалла-кўйлардаги суҳбатларда ҳар қанча муҳокама қилмайлик, кейинги пайтларда тўйлардаги дабдабаю-асасалар ортсиратаяптики, заррача камайгани йўқ. "Карнайнинг ват-вати билан бир кунда ўтади-кетди", дейиладиган тўй машмашалари узоқ чўзилиб, баъзан янги оиланинг бузилиши билан ақулланаётгани, айниқса, ачинарли.

Ҳамма нарсанда тартиб, меъёр, чегара бўлмоғи керак. Шу жумладан, тўй-ҳашам ва маърака-маросимларда ҳам. Бироқ, бибилска даромад келиб турадиган айрим пулдорлар босар-тусарларини билмай, жамоатчиликнинг фикрини менсимай, ном чиқариш, бошқалардан устун эканликларини кўрсатиб қўйиб, шу тариқа сохта обрў қозониш учун дабдабали тўйлар қилишдан тийилмаяптилар. Аксарият оилалар ҳам уларга етаман

деб қарзга ботишаяпти. Халқ тили билан айтганда, бемаъни орзу-хавасларни деб йўғон чўзилиб, ингичка узилаяпти. Шу калтабинлик сабабли, йўқ ердан пайдо бўлаётган янги-янги "орзу-хавас"лар боис тўйлар янада дабдабали тус олиб, исрофгарчилик ҳаддан ошаяпти.

Бугунги тўйларимиз манзарасини бир кўз олдингизга келтиринг. Қўша-қўша антика машиналар, дастурхонлардаги ижарага олинган қимматбаҳо егуликлар ва яна аллақерлардан кириб келаётган андишадан ҳоли урф-одатлар... Таассуфки, чинакам маданий тадбир ўларок ўтиши керак бўлган тўйларимиз, аксар ҳолларда маданиятсизлик белгиси сифатида таассурот қолдирапти.

Давоми 4-бетда ➡

**Ҳамидулла
УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири**
Муаллиф олган сурат

Юртимизда илм-фан ва технология ривожланишига, уларнинг замонавий усуллари қўлланилишига қарши эмасмиз. Лекин, биз тараққиёт йўлининг бошида турган давлат сифатида юқоридаги каби саволларга жавоб топиш учун ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш баробарида, улар йўл қўйган хато ва камчиликларга ёки бошлаган ишларининг салбий оқибатларига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Чунки, ҳақиқат шуни кўрсатадики, ер юзидан бирорта давлатнинг бизга мутлақ намуна бўладиган тараққиёт модули йўқ.

Биринчидан, бизга тараққиётнинг дунё ҳамжамиятини нуфузли ташкилотлари бонг уриб турган экологик оқибатларни келтириб чиқарадиган шакли керак эмас. Шундоқ ҳам Оролнинг қуриши, иқлимнинг кескин исби кетиши, қишда деярли қор ёғмаётгани натижасида юзга келадиган муаммоларимиз етарли.

Иккинчидан, ҳар қандай илм-фан тараққиёти аксарият давлатларни қудратли ва бой қилди-ю, аммо инсон ҳуқ-аъводини яхшилашга хизмат қилмаганини, аксинча, уларни очқўз истеъмолчиларга айлантириб қўйганини эътиборда тутиш зарур. Мутахассисларнинг фикрига кўра, инсон истеъмолчига айланган сайин ҳашаматга берилади, натижада бутун ўй-хаёли тезроқ ва кўпроқ пул топишда бўлади. Бора-бора инсон осон пул топиш илинжида бўлиб, бу йўналишдаги ҳар қандай омадсизлиги унинг норозилиги ва агрессиясини оширади.

Учинчидан, энг нозик ва муҳим бўлган тарихий ҳақиқат борки, азал-азалдан Шарқ ва Ғарб мамлакатлари халқларининг онг

Бошланиши 1-бетда

ва материя, борлиқ ва инсонлар, оила ва жамият, дунё ва сиёсат борасидаги фалсафий қарашлари, ёндошувлари турлича бўлиб келган. Бу борада фалсафашунослар томонидан қатор илмий изланишлар ҳам олиб борилган. Уларнинг фикрига кўра, Ғарбдан фарқли равишда Шарқ таълимоти инсониятни, аввало, ҳақиқий

лантиради, олимлик қобилиятига кўра буюк ихтироларини рўёбга чиқаради, яъни данакнинг "қобили"га эришадими, бироқ унинг "мағзи" ҳисобланган ўз "мени"ни, ўзиганинг англашни унутди", дейди.

Тўғри, XXI асрга келиб сайёрамиз ва коинотда эришилган ютуқлар давлатларни тараққий

миграция ва оммавий маданият оқибатлари – инсон яратганлари айнан инсониятнинг ўзига қарши ишлаётганлигидан далолат беради.

Дунёда бўлаётган воқеаларни кузатар эканмиз, беихтиёр "Аксарият Ғарб ва Европа давлатларида давлат ва жамият муносабатлари боши берк кўчага

лохотларга қўл урар эканмиз, онгда ва дунёқарашларда ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлаётган воқеаликларга ўз вақтида тегишли муносабатлар билдиришимиз лозим. Ислохотлар жараёнида илм-фан ютуқлари ва илгор технологияларни амалиётга жорий қилар эканмиз, албатта, келажак авлод манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйишимиз шарт. Ер юзидан рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни эътиборга олиб, Ғарб ва Шарқ фалсафий таълимотларини уйғун ҳолда ҳаётга татбиқ қилишимиз ва шунинг баробарида сабр-қаноатнинг этагидан тутиб, инсонийлик, диний ва миллий қадриятларимизни ёддан чиқармаслигимиз лозим, токи, жамиятимиз парокандаликка юз тутмасин.

Албатта, юртимизда Президентимиз бошчилигида бу борада зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ, барча тармоқдаги раҳбарлар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятлари, қолаверса, шу юрт фарзанди сифатида ҳар бири-миз барча йўналишларда амалга оширилаётган ишларда Президентимизга елкадош бўлишимиз лозим.

Биз фуқаролар ҳам, барчасини Президентимиз ва давлатимиз зиммасига юклаб, бир четда томошабин бўлмасдан, шу юрт фарзандлари сифатида: "Ҳашаматли ҳаётни деб ўзимизни ўзимиз азобларга солмаяпмизми, нафс балосини деб яхшилиқ, эзгулик, муҳаббат ва садоқат каби инсоний қадриятларни унутмаяпмизми", деган саволлар билан ўзимизни, оиламизни маънавий тафтиш қилиб кўрайлик.

Муҳиддин ҚИЁМОВ,
хуқуқшунос

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ



инсон бўлишга, қалб ва руҳий мукамалликка эришишга ундайди.

Масалан, юксак заковат эгаси Жалолиддин Румий ўз асарларида инсон ҳақида шундай фалсафий тушунтиришлар беради: "Инсон ҳудди бир бутун данак кабилар. Данак қобиғи ичидаги мағзидан айри ҳолда серҳосил дарахтга айлана олмаганидек, инсон ҳам олимликни ёқласа-ю, одамийликни унутса, бир бутун инсоний қомилликка эриша олмайдми", дейди у.

Унинг фикрига кўра, инсон ҳаётидаги дунёвий барча моддий ва номоддий нарсалар – мансаб, мартаба, бойлик, билим, ҳашамат кабилар – данакнинг қобиғи. Ҳеч қачон йўқолмайдиган ва ҳар қандай шароитда ҳам инсоннинг ўзи билан қоладиган – қалб ва маънавий етуклик эса данакнинг мағзи ҳисобланади. Аллома бу ҳақдаги фикрларини давом эттириб: "Инсон тоғни талқон қилади, уни олтин ва гавҳар қонларига ай-

етишига сабаб бўлгани инсон ақл-заковатининг маҳсули ҳисобланади. Бироқ, ер юзидан юз бераётган воқеалар, хусусан, АКШ ва Хитой ўртасидаги савдо-сотиқ можаролари, Эроннинг ядровий дастури афродидига муаммолари, Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуроли тўқнашувлар, сув ва озиқ-овқат танқислиги каби инқирозлар, терроризм, оммавий

кириб қолганлиги боис тараққиётнинг сўнгги кулминация нуктасига етиб бўлишган", деган ҳулосага келиш мумкин. Дарҳақиқат, немис файласуфи Гёте буюк француз инқилоби воқеаларини қузатар экан, шундай сўзларни айтган эди: "Бу тузум ҳам ҳали инсоният тарихининг охириги босқичи эмас".

Мана шу нуктаи назардан келиб чиқиб, биз кенг қўламли ис-

САЙЛОВ ВА МАСЪУЛИЯТ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгаши томонидан маҳаллий партия ташкилотлари ходимларининг сиёсий билимларини янада мустақамлаш мақсадида "Сайловлар: галаба стратегияси ва тактикаси" мавзусидаги семинар-тренинг ўтказилди.

Партиялар ҳаёти

Ушбу семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлимида раҳбари Дилмурод Иззатов ҳамда партиянинг вилоят Кенгаши тренерлари ўзларининг маърузалари ҳамда кўргазмалар воситалари орқали вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари раисларига маълумотлар бериб боришди.

Маъжус семинардан кўзланган асосий мақсад – мамлакатимизда шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларнинг ҳар қачонгидан ҳам очик, ошқоқра ва шаффоф ўтишини таъминлашда партия фаолларини ҳуқуқий билимлари ва са-

водхонлигини ошириш, уларни сайлов жараёнларига кўникмаларини шакллантириш, сайлов қонунчилигидаги янгиликлар билан батафсил таништириш, самарали



сайлов дастурини ишлаб чиқиш, сайлов жараёнларига пухта ҳозирлик қўриш, сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясидаги иштирокини таъминлашди.

Тадбир давомида "Демократик жамиятда сайловлар", "Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги", "Маҳаллий кенгашларга сайловларнинг хусусиятлари", "Депутатларнинг ҳуқуқий мақоми", "Сиёсий партиянинг сайлов кампанияси стратегиясини ишлаб

чиқиш", "Ўзбекистон Президентини илгари сураётган стратегик ташаббусларнинг мафқуравий моҳияти", "Сиёсий партиялар ва партия қурилиши" мавзуларида маърузалар тингланиб, интерактив шаклда мунозаралар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Бугунги ўқув семинарда сайлов билан боғлиқ бўлган сиёсий жараёнлар ҳақидаги билимларимизни янада оширдик, – дейди партиянинг Олий мажлиси раиси Акмал Расулов. – Ҳозир одамларимизнинг дунёқарашини бутунлай ўзгарган. Сайловчилар ҳузурига олдинги йиллардаги каби тайёр маъруза ва тезислар билан бериб бўлмайди. Семинарда қандай ишлашимиз, халқ ичига қандай кириб боришимиз ҳақида аниқ йўналишлар бериб ўтилди. Ўйламанки, бугунги ўқувдан олган билим ва маълумотларимиз жорий йилги сайловларда катта ёрдам беради.

Ўз муҳбиримиз
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

Реклама ва эълонлар

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auction.uz) савдоларига таклиф этади. Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сакловчи	Объектнинг бошланғич нархи	Объектнинг қолдиқ қиймати	Объектнинг номинал қиймати
1	"CHOTQOL" МЧЖнинг 12,5 фоиз давлат улуши	Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Олтинсарин кўчаси, 14-уй	"CHOTQOL" МЧЖ	58 193 036,24	31 180 900,0	10 000 000,0
2	"CHINOZ SHAROV SAVDO" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши	Чиноз тумани, Чиноз шаҳри	"CHINOZ SHAROV SAVDO" МЧЖ	1 909 192 350,0	207 732 970,0	303 135 000,0

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 14 октябрдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кўнига қараб ҳар 15 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 га ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни

www.e-auction.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 111503, Тошкент вилояти, Ўрта-чирик тумани, Қумовул ҚФЙ, Паркенттрот кўчаси, 15-уй.

Маълумот учун телефонлар: 0 (371) 230-34-80, 231-19-32. E-mail: toshvil@davaktiv.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz, www.toshvil.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни

ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 233-30-56 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2019 йил 14 октябр кўни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖнинг 10.09.2019 йилдаги №07-6/1110-сонли буюртманома-сига асосан "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖ тасарруфиде бўлган Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Меҳнатобод ҳудуди, "Хос" МФЙ манзилида жойлашган умумий фойдали майдони 112,35 кв.м. бўлган "Хос" ФЭТШнинг бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 227 347 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 14 октябр кўни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2019 йил 30 октябр ва 15 ноябрь кўнлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг AT "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими-

ТАДБИРКОРГА ТЎҒРИЛИК БЕЗАК, ЎҒРИЛИК УЯТ

Юқоричирик тумани, "Гулбоғ" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Юксак парранда" масъулияти чекланган жамияти табиий газдан ҳеч бир ҳужжатларсиз, ноқонуний фойдаланиб келингани аниқланди.

Таассуф

Афсуски, бундай ҳолатлар бошқарма хизматлари томонидан ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказиладиган рейдлар давомида кўплаб учраб турибди. Бу, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини таъминловчи, қолаверса, умуммиллий бойлик ҳисобланган энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласининг нечоғлиқ долзарблигини айрим кимсалар ҳали-хануз тушуниб етмаганларидан далолатдир.

Бу борада "Ўзнефтьгазинспекция" хизматлари томонидан вилоят ҳудудида нефть маҳсулотлари ва табиий газдан фойдаланишнинг аҳоли режа-жадвалларга асосан ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилаётгани.

Ўрганишлар давомида юқорида номи қайд этилган корхонада Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мутлақо зид ҳолатлар содир этилгани ойдинлашди. Жумладан, носоз ҳисобдон орқали ўзбошимчилик билан 1 донга 5 тоннали, 3 донга 1 тоннали мазут эритиш қозонлари, 1 донга титан ва 1 донга "ПГ-4" русумли газ таъминатида ваколатли идора билан табиий газ етказиб бериш тўғрисида шартнома тузмасдан фойдаланиб келинган. Бу орқали Фуқаро Б. Якубовга қарашли мазкур корхонада қарийб 300 минг метр³ табиий газ ноқонуний сарфлаб юборилган. Ҳудудий газ таъминоти идораси мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, тадбиркорнинг бу қилмиши давлатга 298 миллион 616 минг сўмликдан кўпроқ зарар етказган.

Бундай ўзбошимчилик ўртачирчиқ туманидаги оҳак ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Домотех" масъулияти чекланган жамиятида ҳам аниқланди. Бу ерда ҳам табиий газ тармоқларига тегишли лойиҳа ва бошқа техник ҳужжатларсиз, ўзбошимчилик билан ула-ниб, қўлбола газендиргичлардан фойдаланган ҳолда оҳак пиширувчи хумдонларга "ўт қалаб" келинган. Мутахассислар тарафидан цехга белгиланган меъёр ва талабларга жавоб берадиган газ ҳисоблагич мониторинг тартибиде ўрнатилиб, бу ердаги бир соатлик газ сарфи ўлчанганда, бу ўзбошимчилик давлатга анча-мунча қимматга тушгани кўндек равшан бўлди. Яъни, ҳисоблагич цехнинг соатлик газ сарфи 102 метр³ га тенг эканини кўрсатди. Тахлиллар ва асослангирилган ҳисоб-китоблар фаолияти майдонида мазкур цех 337 минг метр³ дан ортқ табиий газнинг ҳақини тўламай сарфлаб юборганини тасдиқлади.

Албатта, аниқланган камчиликлар зудлик билан бартараф этилиб, бунга йўл қўйган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Бекзод СОБИРОВ,
"Ўзнефтьгазинспекция"
Тошкент ҳудудий бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

ИНСОН АЗИЗ, УМР БЕБАҲО

XXI асрнинг шу кўнларига келиб ОИВ инфекция аниқланмаган бирорта минтақа ва давлат қолмади, десак муболага бўлмайди.

Юртимизда мазкур касалликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб борилаётгани. Хусусан, "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган. Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 22 июндаги "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳам бу борадаги ишларни жадаллаштирди.

Маъжус қарор ижроси юзасидан вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан туман ва шаҳар тиббиёт марказларида, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда юқумли касалликлар хонаси, 26 та мишона хоналари ва 8 та туманлараро ОИТС тахлилхонаси ташкил этилган. Аҳолини, айниқса, ёшларни касалликдан сақлаш мақсадида, туман ва шаҳарлар хотин-қизлар кўмитаси, ички ишлар бўлими, касб-ҳунар коллежлари бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Тарғотиб тадбирларида касалликнинг юқуш йўллари, унинг биринчи белгилари, таъхис қўйиш ва даволаш бўйича афродиди маълумот берилиб, мавзу бўйича видеороликлар, эслатма ва-рақалари ҳам тарқатилмоқда.

Афсуски, мазкур касалликларни чақирувчи вирус ўта ўзгарувчан бўлгани сабабли, дунё олимларининг саъй-ҳаракатларига қарамай, унга қарши вакцина топилмапти. Аммо, организмда вирус қўйишнинг тўхтатувчи турли антитетровирус дорилари яратилган. Улар ёрдамида беморнинг умрини узайтириш, иш фаолиятини тиклаш ва ҳаёт тарзини яхшилаш мумкин.

Хузода ИНОҒОМОВА,
вилоят ОИТСга қарши
курашиш маркази
усулбатиш шифокори

ВИЛОЯТНИНГ ЭНГ ИБРАТЛИ ОИЛАСИ

– Танловнинг маҳалла, туман (шаҳар) босқичларида 4 минг 780 оила "Бу менинг оилам", "Оила – муқаддас кўрғон" ва "Оила мустаҳкамлиги – юрт тинчлиги" каби шартлар бўйича ўзаро беллашди, – деди "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси мутахассиси У. Мансурова. – Кўрик-танловда 10 дан ортиқ миллият вакиллари ўзларининг муқаддас урф-одатлари, анъанавий оилавий қадриятлари бўйича саҳна кўринишларини намойиш этишди.

Бугунги кунда вилоятда 807 минг 900 га яқин оилада қарийб 3 миллион аҳоли истиқомат қилмоқда. 2019 йилнинг ўтган даврида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси томонидан 1 минг 79 ажрим ёқасида турган оила яраштирилиб, қарийб 1 минг 900 фарзанд ота-она меҳри мосуволигидан саклаб қолинди.

◀ Бошланғич 1-бетда

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби" ташкил этилиб, ўтган давр мобайнида 1 минг 900 дан ортиқ никоҳланувчи жуфтлик оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқитилди.

Кўрик-танловда иштирокчилар меҳр-оқибат, кўни-қўшнилари

орасидаги ҳамжихатлик, фарзандлар тарбиясидаги ибратли ишлари, ҳуқуқий саводхонлик бўйича ўз билимини намойиш этди. Оилаларда кўпроқ учрайдиган қайнона-келин можароси, тўйлардаги ортиқча дабдабозлик, турли сабаблар оқибатида юзага келган келишмовчилик ҳолатлари ва уларнинг



оқилонга ечими акс эттирилган саҳна кўринишлари ҳакамлар томонидан баҳолаб борилди.

Ангрен шаҳридан Абзам Исмоиловлар оиласи энг ибратли оила сифатида эътироф этилиб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди. Иккинчи ўрин бир йўла 3 та оила – Олмалиқ шаҳридан Адхамжон Худойкулов, чинозлик Комилжон Қосимов ва оққўрғонлик Худой-

кул Каримовлар оиласига, учинчи ўрин эса Оҳангарон шаҳридан Дилмурод Одиловлар оиласига насиб этди.

Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ғолиб оилаларга Хоразм вилоятига бепул оилавий саёҳат йўлланмаси топширилди.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
ЎЗА МУХБИРИ
Нозимжон ИСМОИЛОВ
олган суратлар

Янги нашр

Вилоят туризми ривожлантириш департаменти томонидан соҳага оид қарор ва фармонларни ўзда муҳассама этган "Ўзбекистон Республикасида туризми ривожлантириш бўйича қонунчилик асослари" номли китоб нашр этилди.

Туризмга бағишланган китоб

Ушбу тўплам орқали туризм соҳасига оид қўллаб-қувватловчи қарор ва фармонларга тез ва қаноатли жавоб олиш имконияти мавжуд.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Соҳа мутахассислари, шунингдек ҳудуддаги меҳмон уйлари сонини кескин ортиришга ҳам астойдил бел боғлаганлар.

Тошкент вилоятидаги меҳмон уйлари сонини яна 100 тага кўпайди. Вилоят туризми ривожлантириш департаменти матбуот хизматининг



хабар беришича, Бўстонлиқ туманидаги "Бурчмулла" ва "Яккатут" маҳаллалари ҳудудда 100 та аҳоли хонадонидида маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатила бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги "Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 631-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида "Оилавий меҳмон уйлари" ва хостелларни ташкил этиш бўйича тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилиши мазкур объектиларни қўлайишига олиб келади.

Бугунги кунда мазкур қарорнинг ижроси юзасидан департамент томонидан Бўстонлиқ туманининг Оқтош ҳудудида "Оилавий меҳмон уйлари" эгалари ҳамда малакали мутахассислар билан биргаликда тадбиркорларнинг ўз билимларини ошириш, оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш ва туризм соҳасида берилаётган имтиёزلар билан яқиндан таништириш мақсадида ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.

ЎЗА

◀ Бошланғич 1-бетда

ИЛМДАН БИР ШУЪЛА

Илмдан бир шуъла дилга тушган он
Шунда билурсанким, илм бепоён.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

Пискентлик қўллаб-қувватловчи қатори ажойиб инсон, дилкаш олим, замонашун, ҳамшаҳримиз Адхам Маматқуловни ҳам талабчан устоз, ҳам маслакдош ака ўрнида беҳад қадрлайман. Аҳамиз аслида аниқ фанларнинг етук билимдони эса-да, яқин ўн йиллар оралиғида адабиётга ошно бўлди. Тарихнинг очилмаган кўрикдек сержило қатларидан дуру-жавохирлар териб, бугунги ва келажак авлодларга тартиқ этмоқни ихтиёр этди. Бинобарин, бу сермашаққат ака ўзини қўлидан келадиган ҳар қандай ҳаёт ҳақида, бунинг учун ижодкорда катта юрак бўлиши керак. Янада муҳими, киндик қони тўқилган гўшага, қолаверса, жаннатмақом Ўзбекистонга, унда яшаётган инсонларга беқиёс меҳр-муҳаббатни бўлмоғи лозим.

Мен Адхам аканинг "Пискент тарихидан лавҳалар", "Гулшани Дилафгор", "Пискент баёзи", "Пискентлик шоирлар", "Устозлар", "Болалик кунларимда" китобларини алоҳида ғурур ва ҳавас билан мутолаа қилиб у кишида юқоридаги фазилатлар ба-робар яна катта матонат ва жа-

сорат борлигига имон келтирганман.

Қўлимдаги ҳали босмаҳона ифори кетмаган "Дилдаги гаплар" китоби ҳам юқоридаги фикрларимни тўла-тўқис тасдиқлаб турибди.

Мен мазкур китобга сўз ай-

тишдан ожизман. Чунки, Ўзбекистонга таниқли адабиётшунос олим Омонулла Мадаев (у кишини Аллоҳ ўз раҳмати-га олган бўлсин), Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Худойберди Тўхтабевдан ўтказиб нима ҳам дея олардим. Бу муҳта-рам зотлар китоб ҳақида, устозимнинг камтарона меҳнатлари тўғрисида ибратомуз сўзлар айтибдилар. Китобнинг қадрини, қаддини осмон қадар кўтарибдилар. Мен ҳам Адхам аканинг айрим китобларини бирор-бир жумласини қолдирмай кўздан ўтказишимга тўғри кел-

ган.

фазилат – уларнинг ўта одам-охунлиги, жигаржонлиги, самимийлигидир. Бугун сулоланинг улуғи ҳисобланган Шавкат ака Маматқулов бутун мазмунли умрини илмга бағишлаган, фан ар-боби. Укалари Адхам акага эса ҳар қанча таъриф-тавсифимиз камлик қилади. Икки аканинг

иқки укаси Маҳкамжон ва Ўқтамжон Маматқуловлар ҳам илму фан соҳиблари. Бу маънавият-ли сулоланинг доимий машғул-лотлари тайин. Улар кўп китоб ўқийдилар, жаҳон, рус, ўзбек адабиётидан соатлаб баҳсу му-нозаралар юритадилар. Ёрдан сўраб келган ёш илм толиб-ларига қўмак беришдан сира чар-чамайдилар.

Оиланинг ягона қизи Холида муаллима (Аллоҳ раҳмати-га олсин) қирқ йилдан зиёд пискент-лик ўғил-қизларга илм ва тарбия берди. Минглаб ёшларни ҳаётга учирма қилди.

Адхам ака ҳозирда пой-тахтда яшайдилар. Муяссар келинларимиз ҳаммаи заиё-лар сафидилар. Олийгоҳда ишлаб нафақага чиққанлар. Ўғиллари Абзамжон тадбир-кор. Келинлари Гулноза мо-ҳир шифокор, олти нафар неваралари бор.

Дарвоқе, Адхам ака ҳо-зирда ҳам қизгин ижод би-лан машғул. У айни пайтда "Пискент гулшани" китоби устида ишламоқда. Бундан ташқари, тоғалари Дилафгор-нинг Санкт-Петербургда топи-лан 300 саҳифалик қўлёзма аса-ри бутунлигича тўплам бўлиш арафасида турибди. Бу ижод ахли учун муносиб тўхфа бўла-ди, албатта.

Собиржон ИНОМОВ,
журналист

Бугуннинг гапи

ҚАЙНОТА БИЛАН КЕЛИН...

ёки яна тўйдаги «ТОМОША»лар ҳақида

ларида қизлар отаси, келинлар эса, қайнотасининг кўзига тик қарашма-ган, ҳатто.

Таассуфки, анчадан бери тўй ва маросимларни бошқаришда эркак-ларимиз жоловини аёлларга бериб қўйишган. Ахир, пулни топган эр-каклар унинг қадрига ҳам етиш-лари керак-ку.

Шу ўринда камхарж оилалар ҳам бошқалардан қолмаслик учун чира-нишларини тушуниш қийин. Кейин-ги пайтларда банкдан кредит олиб, тўй қилиш ҳам урфга кирди. Банк-нинг имтиёзли кредитлари эвазига ёш оилалар уй ёки зарур рўзгор буюмлари совға қилинса, тушунса бўлади. Аммо, бир кунлик тўй учун

йиллар давомида бадал тўлаш ақл-га сиғмайдиган иш эмасми?

Бугун қиз узатаётган ёхуд ўғлини уйлантираётган ота-она кўпроқ мо-дий таъминотга зўр бермоқда. Бўла-жак қудаларнинг касб-корю амали ва топши-тутиши кўпроқ қизиқти-роқда. Ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёрилиги, маънавияти, дунёқара-ши ҳақида деярли ўйлашмайди. Қизининг сарпосига гарнитурдан

ди, киши. Наҳотки, аёлла-римиз оғиз тўлдириб таъ-рифлашадиган орзу-хаваснинг оқибати шу бўлса?

Ўхш, тўйларни дабда-ба, исрофгарчилик билан ўтказиётган юртдошлари-мизни ким инсофга қақи-риши лозим? Албатта, энг аввало, маҳалла оқсо-

рақсга тушди



хотин-қизларимиз ўртасида тушунтириш-тарғибот иш-ларини қучайтириш керак.

Маълумки, оиласидаги қу-вончини, болаларининг бахтли кунини эл билан баҳам кўриш – халқимизга ҳок фазилат. Албатта, яхши кунларнинг кўп бўлганига нима етсин? Шун-дай яхши кунларимиз барда-вом бўлишини, ёшларимиз-нинг бахтини ўйласак, дабда-бозлик, исрофгарчилик ил-латларига чек қўйилик. Йиқ-қан-терганимизни фақат тўй-ларга эмас, фарзандларимиз-нинг илм олиши, ҳунар ўр-ганишига, қолаверса, ўз соғли-гимизни тиклашга, дунё кў-риш, сайру саёҳат қилишга сарф-ласак, қандоқ бўларкин?

Орзу МУНАВВАРОВА,
меҳнат фахрийси
Янгийўл тумани

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзилми: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Телефонлар: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10 Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари: Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: Электрон почта: toshkenthqiqati@uamail.uz / th-th@inbox.ru	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳрираты компьютер марказида терили ва Тоҳир Маҳмуджонов томонидан саҳифаланди.	Набатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусоҳиҳ Аллома АЗИЗОВА Набатчи Баҳодир БАҲРОМОВ
Буюртма Г-943. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қороз бичими А-2. 3 385 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.					
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.30. 1 2 3 4 5					